

Унинг ўгли Мухиддин Иброхим менга хабар бериб, деди: «Отам вакф ва ибтидо хакида китоб ёзди. Шунда кироат талабалари шох Носир Мухаммад ибн Каловунга шикоят килиб: «У ўзи билмаган нарсаси хакида китоб ёзибди», дейишди. Султон китобни олиб, кўздан кечириб чиқиши учун шайх Абу Хайёнга юборди. Абу Хайён: «Бу китобга яхши назар билан эмас, балки танкидий ёндашган эдим, кайта караб, бу бобда ёзилган китобларнинг энг гўзали деб билдим. Аллох таоло унинг муаллифини улуғ мукофот ила мукофотласин», дедилар. У зот 745 йили рабиъул аввал ойининг йигирманчи куни Кохирада вафот этганлар.